

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК : 336+334.75 (575.1)

Темиров Абдулазиз Алимжанович

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ
ФАОЛИЯТИДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент ва маркетинг

Иқтисод фанлари номзоди

илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ – 2011

**Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида
бажарилган**

Илмий раҳбар	иқтисод фанлари доктори, профессор Рашидов Оқтам Юнусович
Расмий оппонентлар:	иқтисод фанлари доктори Ғойибназаров Баходир Каримович, иқтисод фанлари номзоди, доцент Юсупова Дилдора Тўражонова
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси

Диссертация 2011 йил “__2__”__декабрь__ соат __9-00__ да Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш мажлисида ҳимоя қилинади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил «_15_» __ноябр__ да тарқатилди.

**Ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
и.ф.д., проф**

Б.Беркинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда иқтисодиётни модернизацйялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки кичик бизнес иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришни таъминлайдиган замонавий тузилмаларни шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли пул даромадларини оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши бежиз эмас.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги шароитида мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари фаолияти ривожини учун қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш ва уни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, мамлакатимиз Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришга оид қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар орқали ушбу жараёни ривожлантириш концепциялари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда”¹.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва барқарор ривожланишида ўрта синф ижтимоий қатлами муҳим рол ўйнайди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнеснинг ўрни сезиларли даражада ошди ва у ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) яратилишида салмоқли ўринга эга бўлмоқда. Бунинг натижасида эса “...2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди”².

Аммо республикамизда тадбиркорларга, аввало кичик бизнес субъектларига асосий, шу жумладан талаб юқори бўлган моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шаклланганлиги эътироф этилса-да, кичик бизнес субъектлари фаолиятини барқарор ривожлантиришнинг бугунги ҳолати мамлакат иқтисодиётига тўла мос келади, дейиш қийин. Мазкур масалалар, аввало кичик бизнес субъектлари менежментини, хусусан, молиявий менежментини ташкил этишдаги муаммоларда кўзга ташланмоқда. Бу муаммолар кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотлар билан ички бозорларни тўлдиришдаги имкониятларининг етарли даражада эмаслиги, ишлаб чиқариш

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тараққиётимизнинг муҳим омилдир. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -Б. 12

² Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: Ўзбекистон, 2011 -Б. 8

техника ва технологиялари самарадорлигининг пастлиги ва маҳсулотлар сотишдаги мураккабликлар, бинобарин мазкур соҳага йўналтирилган инвестицияларнинг қайтишида намоён бўлмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар кичик бизнес субъектларининг самарали фаолият кўрсатишига имкон бермаяпти. Уларни бартараф қилиш вазифаларини амалга ошириш ва самарадорлигини кўтариш масалалари кўп жиҳатдан кичик бизнес фаолиятини бошқариш йўллари, яъни менежментини ўзгартиришни талаб қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, молиявий менежментга боғлиқ бўлиб, у илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни, барқарор ривожлантириш имкониятларини аниқлаш ҳамда такомиллаштириш йўллари долзарб масала қилиб қўймоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий бошқарув масалалари хорижий мамлакатлар етакчи иқтисодчи олимларидан И.Балабанов, И.Бланк, З.Боди, М.Гридчина, И.Гурков, П.Друкер, В.Ковалев, Н.Пласкова, Н.Ольве, Г.Савицкая, В.Сладкевич, Б.Чуб, Л.Шокина³ ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Ё.Абдуллаев, Б.Ходиев, С.Ғуломов, А.Абдуллаев, А.Бекмуродов, Б.Беркинов, Э.Эгамбердиев, Б.Ғойибназаров, Ш.Эргашходжаева, М.Қосимова, Т.Маликов, О.Олимжонов, Н.Йўлдошев, С.Усмонов, Б.Тўхлиев, Ш.Зайнутдинов⁴ ва бошқа олимларнинг илмий

³ Шокина Л.И. Оценка качества менеджмента компаний: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2009. – 344 с.; Балабанов И. Основы финансового менеджмента. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 1997.-480 с.; Бланк И.А. Финансовая стратегия предприятия. Учебный курс. - К.: Нико Центр, 2006. -520 с.; Боди З, Ментон Р. Финансы. пер. с англ.. -С.Петербург.: Питер, 2005. -720 с.; Гридчина М.В. Финансовый менеджмент. Учебное пособие. - К.: МАУП, 2004. -420 с.; Гурков И.Б. Стратегия и структура корпорации: учеб. пособ. – 2-е изд., перераб. – М.: «Дело» АНХ, 2008. – 288 с.; Друкер П.Ф. Задачи менеджмента в XXI века: Пер. с англ. Учеб. пособ. –М.: «Вильямс», 2007.-288с.; Ковалев В.В. Финансовый менеджмент. Теория и практика. – М.: Проспект, 2009, -1024 с.; Финансовый менеджмент. Под ред. Пласковой Н.С. -М.: Программа МВА, 2007.-142 с.; Ольве Н.-Г., Рой Ж., Ветер М. "Оценка эффективности деятельности компании. Практическое руководство по использованию сбалансированной системы показателей". - М.: Вильямс, 2004 г. -37 с.; Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. -Мн.: Новое издание, 2002. -704с.; Сладкевич В.П., Чернявский А.Д. Современный менеджмент. -К.: МАУП.2004. -152 с; Чуб Б. Стратегический менеджмент организаций. Курс лекций. -М.: Перспектива, 2005.-782 с.

⁴ Зайнутдинов Ш.Н., Шермухамедов А.Т., Муракаев И. Менежмент. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.-239 б.; Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. -Т.: Иқтисод-молия, 2008.-340 с.; Бекмуродов А.Ш., Сатторов С., Тўраев Ж., Солиев К., Рўзиев С. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожидавр талаби. -Т.: ТДИУ, 2005.-142 б.; Беркинов Б., Айнақулов М.А. Кичик тадбиркорлик корхоналарининг йирик корхоналар билан ишлаб чиқариш кооперацияси. -Жиззах.: ЖДУ, 2004.-149 б.; Эгамбердиев Э., Хўжакулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. -Т.: Маънавият, 2003. -142 б.; Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. -Т.: ТДИУ, 2010. -267 б.; Ғойибназаров Б.К. ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма.-Т.: Адиб нашриёти. 2011.-279 б.; Ғойибназаров Б.К. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш омили. Монография. –Т.: Фан, 2011.-184 б.; Ergashxodjaeva Sh, Yusupov M. Tadbirkorlik asoslari. O'quv qo'llanma.-Т.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot nashriyoti, 2005.-158 б.; Қосимова М.С., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.-191 б.; Олимжонов О., Маликов Т.С. Молиявий менежмент. Т.: Академия, 1999.-193 б.; Гулямов С.С., Догиль Х.Ф., Семенов Б.Д. Предпринимательство и малый бизнес. Т.: ТГЭУ, 1996. -220 с.; Йўлдошев Н.Қ, Қозоқов О.С. Менежмент. Т.: Фан, 2004.-214 б.; Усманов С., Додобоев Ю.Т., Ахмедов Д.К., Гадов Э.Ф., Усманов А.С. Молиявий менежмент. Ўқув қўлланма. -Т.: Фан, 1999. 390 б.; Тухлиев Б.К. Молиявий менежмент. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2007.-164 б.

ишларида кичик бизнес субъектлари менежменти, хусусан, молиявий менежментининг айрим назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Шунга қарамай, кичик бизнес субъектлари молиявий бошқарувида пулнинг даврий концепцияси ва эркин пул оқимларидан фойдаланиш, улар молиявий фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичларида якуний молиявий натижаларга эришиш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганилмаган. Мазкур ҳолатлар кичик бизнес субъектлари менежмент тизимида бошқарувни такомиллаштириш муаммосини алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-амалий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес субъектлари менежмент тизимида молиявий бошқарувни такомиллаштиришга қаратилган назарий, услубий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий, услубий ва амалий вазифалар қўйилди:

-кичик бизнес субъектларининг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан ёритиш;

-кичик бизнес субъектларини бошқаришда мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш ва уларнинг тамойилларини ишлаб чиқиш;

-кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий менежментнинг янгича тамойилларини асослаб бериш;

-кичик бизнес субъектлари фаолиятида зарарсизлик нуқтасини аниқлашнинг янги усулини таклиф этиш;

-кичик корхоналарнинг менежмент тизимида эркин пул оқимидан фойдаланиш усулини таклиф этиш;

-кичик бизнес субъектлари менежмент тизимида молиявий бошқарув стратегиясини шакллантириш босқичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида республикамізда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари, шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг менежмент тизимидаги молиявий бошқарув фаолияти танланган. Тадқиқот предмети бўлиб, кичик бизнес субъектлари фаолиятини бошқаришда вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, тизимли ёндашув, таққослаш, қиёсий таҳлил ва иқтисодий-математик моделлаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Кичик бизнес субъектларини бошқаришда молиявий бошқарувнинг назарий-услубий асосларини ва молиявий менежмент усулларини такомиллаштириш улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини бошқаришда улар фаолиятига киритилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашда пулнинг даврий концепциясини қўллаш услуги;

- кичик корхоналар бошқарувида эркин пул оқими усулидан фойдаланиш бўйича илмий таклифлар;

- кичик корхонанинг якуний молиявий натижасига эришиши учун амалиётда қўлланиладиган молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилишнинг янгича услубий ёндашуви;

- кичик бизнес субъектлари менежмент тизимида молиявий бошқарувни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар.

Ишнинг илмий янгилиги бўлиб, республикамизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини бошқаришда молиявий менежментни такомиллаштиришга қаратилган назарий ва амалий тавсияларнинг асосланганлиги ҳисобланади ва улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- кичик бизнес субъектларининг миллий иқтисодиётдаги ўрни баҳоланган ва уларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан умумлаштирилган;

- кичик бизнес субъектларини бошқаришда мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш йўллари ва уларнинг тамойиллари ишлаб чиқилган;

- кичик бизнес субъектлари менежментда пулнинг даврий концепциясидан фойдаланиш йўллари илмий жиҳатдан асосланган;

- кичик бизнес субъектларини бошқаришда эркин пул оқими усулидан фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

- кичик бизнес субъектлари менежмент тизимида молиявий бошқарув стратегиясини шакллантириш бошқичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари, хулоса ва таклифлари кичик бизнес субъектлари фаолиятини бошқариш усуллари ва механизмлари тўғрисидаги назарий ва амалий билимлар доирасини кенгайтиради. Илмий ишнинг амалий аҳамияти ундаги илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектлари амалиётида иқтисодий ривожланиш бўйича қарорлар қабул қилиш, чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Шунингдек, тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида “Менежмент”, “Молиявий менежмент” ва “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” каби фанларни ўқитишда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилинганлиги. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан (далолатнома, 5 сентябрь 2011 йил), хориж сармояси иштирокидаги кичик корхона - “Аравана” маъсулияти чекланган жамият томонидан (далолатнома, 20 ноябрь 2010 йил) амалиётига татбиқ этиш учун қабул қилинган.

Диссертация натижалари ва хулосалари Тошкент давлат иқтисодиёт университети (2011 йил 30 мартдаги маълумотнома) ўқув дастурларини такомиллаштиришда татбиқ этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот натижалари бўйича “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия бозорини такомиллаштириш” (ТДИУ, 2009), “Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” (ТДИУ, 2009), “Двадцать вторые международные Плехановские чтения” (Москва, РЭА им. Г.В.Плеханова, 2009), “Приоритетные направления дальнейшего реформирования и повышения финансовой устойчивости банковской системы” (ТМИ, 2010), “Мустақил Ўзбекистон ёшларининг илм-фан тараққиётидаги фаолияти: долзарб масалалар, устувор йўналишлар ва истиқболлар” (ТДИУ, 2009), “Илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш муаммолари ёш олимлар нигоҳида” (ЎзР ФА, 2011), “Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда солиқ тизимининг ролини ошириш масалалари” (ТДИУ, 2011) “Халқаро талаблар асосида тижорат банклари фаолиятини рейтинг баҳолаш” (ТДИУ, 2011), “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик социал-иқтисодий юксалиш омили” (Фарғона, ФарДУ, 2011), “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш” (ТДИУ, 2011), “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти: устувор йўналишлар, муаммолар ва ечимлар” (ТДИУ, 2011), мавзуларда ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Банк иши” кафедраси мажлисида ҳамда мазкур университет қошидаги Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 08.00.13-“Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича илмий семинарида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий ишнинг асосий натижалари бўйича 4 та илмий журналларда мақола ва 14 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Унинг ҳажми 166 бетдан иборат бўлиб, 18 жадвал, 22 расм ва 3 иловани ўз ичига олган.

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган.

Диссертациянинг **“Кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий менежментни ташкил этишнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ҳамда улар фаолиятида молиявий менежментни ташкил этиш хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан очиб берилган. Шунингдек, мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар

тизими ва улардан кичик корхоналар фаолиятида фойдаланиш йўллари асосланган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектларини бошқаришда молиявий менежмент ва унинг амал қилиш механизми**” деб номланган бўлиб, унда кичик корхоналар менежмент тизимида молиявий таҳлил қилишнинг анъанавий ва янги усулларида фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган. Харажатларни оптималлаштириш ҳамда фойдалиликни оширишнинг математик моделлаштириш услуби баён қилинган. Шунингдек, кичик корхоналар фаолиятини бошқаришда замонавий пул оқимлари усулларида фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “**Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектлари менежмент тизимида молиявий бошқарувни такомиллаштириш йўллари**” номли учинчи бобида эса кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий стратегияни ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш йўллари, кичик корхоналар молиявий бошқарувида молиявий кўрсаткичларни аниқлашнинг янги усуллари, молиявий менежментни такомиллаштириш йўллари таклиф этилган. Шунингдек, кичик корхоналар фаолиятида молиявий бошқарув стратегиясини шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг хулоса қисмида кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий менежментни такомиллаштириш бўйича хулосалар шакллантирилиб, қатор илмий таклифлар ва амалий тавсиялар берилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес субъектлари бошқа турдаги корхоналарга нисбатан бозорга қисқа муддат ичида мослаша олади, янги иш ўринларини яратиш, замонавий техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш орқали ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалишида ҳам кичик бизнес субъектларининг ўрни тобора ортиб бораётганлиги бу борада кўрилаётган чоратadbирлар самарасидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда”⁵.

Кичик бизнес субъектлари мамлакат иқтисодиётида муҳим ва аҳамиятли ўринга эга экан, уларни ривожлантиришнинг зарурлигини белгиловчи омилларни қуйидаги вазифаларидан келиб чиққан ҳолда умумлаштириш мумкин. Булар истеъмол бозорларини товарлар билан тўлдиради, иқтисодиётнинг бир текис ривожланишини таъминлаб беришга ёрдам беради, иш билан бандликни маълум даражада таъминлайди ҳамда қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш саноатини ривожланишига олиб келади ва бошқалар.

⁵ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б.8

Қуйидаги жадвалда кичик бизнес субъектлари ривожланишининг мамлакат миқёсидаги ҳолати келтирилган (1-жадвал).

1- жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектлари фаолияти ривожланишининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ўзгариши динамикаси

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, %	31,0	38,2	42,1	46,2	48,2	50,1	52,5
шу жумладан: кичик корхоналар ва микрофирмалар, %	13,1	21,5	23,5	27,2	29,1	33,6	34,2
Кичик тадбиркорликда банд бўлганлар сони, минг киши	4316,5	6602,5	7258,6	7762,8	8229	8402,3	8639,3
Банд бўлганларнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонидagi улуши, %	49,7	65,5	69,3	72,3	73,6	74,2	74,3
Янгидан яратилган иш жойларининг сони, минг бирлик	296,9	350,8	339,5	410,0	374,3	471,9	480,0
1000 кишига тўғри келадиган фаолият юритувчи субъектларнинг сони, бир бирлик	6,0	10,3	13,2	14,2	15,6	16,8	17,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2009 йилда 16,9 фоиздан 2010 йилда 19,6 фоизга, қурилиш соҳасида тегишли равишда 41,6 фоиздан 52,3 фоизга, савдода 46,5 физдан 50,5 фоизга ошди.

Кичик бизнес корхоналари иқтисодий тизимда ўзига хос хусусиятга эга бўлган ва маълум бир вазифаларни бажарувчи алоҳида корхона тури сифатида ажратилар экан, уларнинг иқтисодий моҳиятини атрофлича ёритиш лозим. Иқтисодчи олим С.Ғулумовнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида шундай фикрлари мавжуд:⁶ “...биринчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан бевосита боғлиқ масала бўлиб, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилади; иккинчидан, ўрта мулкдорлар синфини шакллантиради ва айни пайтда бозорни истеъмол моллари ҳамда хизматлар билан таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади”. Ё.Абдуллаевнинг фикрига кўра, “кичик бизнес ўзида катта бўлмаган ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларига ҳамда ишчилар сонига эга


⁶ Гулямов С.С., Догиль Х.Ф., Семенов Б.Д. Предпринимательство и малый бизнес. -Т.:ТГЭУ, 1996. –С.12

бўлган, шунингдек, бой моддий техник базага эга бўлмаган майда корхонадир”⁷.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда муаллиф кичик бизнес субъектига қуйидаги таърифни шакллантиришга эришган: “Кичик бизнес бозор шароитида фойда олиш мақсадида иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган турли мулкчилик шаклидаги, тезкор бошқарув қарорларини қабул қила оладиган, янги иш ўринларини яратадиган, маҳаллий шарт-шароитларига мослашувчан, унинг талаблари ва урф одатлари бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарадиган ҳамда келгусида йирик бизнесга айланишни мақсад қилган хўжалик юритувчи субъектдир”.

Иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги шароитида кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий муносабатларни такомиллаштириш ва муваффақиятли ҳал этиш, шунингдек, ижобий натижаларга эришиш масалалари кўп жиҳатдан менежмент тизимининг бир қисми бўлган молиявий бошқарувга боғлиқ бўлади. Ўз навбатида молиявий бошқарув ресурслардан оқилона фойдаланишига боғлиқдир. Кичик бизнес субъектларининг молияси турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ва бир-бири билан ўзаро иқтисодий жиҳатдан боғлиқ бўлган мазкур корхоналарнинг молиявий фаолиятини ифодалайди. Корхонанинг молиявий ресурслари жалб қилинган ва ўз маблағларининг йиғиндисини бўлиб, корхонанинг молиявий мажбуриятларини, харажатларини молиялаштиришга, жорий харажатлар ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилади.

Кичик корхоналар молиявий бошқарувини ўрганишга алоҳида ёндашувлар мавжуд. Барча иқтисодий тизимда бўлгани каби, менежмент тизимида молиявий бошқарув бошқарувчи ва бошқариладиган тизимлардан ташкил топади. Қуйидаги расмда кичик корхоналар молиявий-иқтисодий бошқаруви тизими келтирилган (1-расм).



Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

1-расм. Кичик корхоналар молиявий-иқтисодий бошқарув тизими

⁷ Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. -Т.: Иқтисод-молия, 2008. – С. 8

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланиш тараққиёти бевосита молиявий муносабатларни такомиллашувига боғлиқдир. Турли мулк ва хўжалик юритиш шаклларида кенг фойдаланишга ўтиш шартлари кичик бизнесни ривожланиши билан бир қаторда унинг молиявий муносабатларини ҳам бозор талаблари асосида ривожланишига замин яратади.

Ҳозирги кунда кичик корхоналар бошқарувида унинг янги тизимларини аҳамияти ортиб бормоқда. Бундай тизимлар ичида америкалик олимлар Р.Каплан ва Д.Нортон томонидан ишлаб чиқилган “Мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими” (*Balanced Score Card* - BSC) алоҳида ўрин эгаллайди⁸.

BSC тизими корхонанинг стратегик бошқариш тизими сифатида унинг самарадорлигини ифодаловчи бир қатор кўрсаткичларини ўлчаш ва баҳолаш асосида ишлаб чиқилган. BSC тизимида ўтган операцияларнинг анъанавий молиявий параметрлари билан бирга келгусидаги молиявий фаолиятнинг янги баҳолаш таснифи алоқаси мужассамланган.

BSC узок муддатли молиявий мақсадларни ифодаладиган стратегия бўлиб, у ўзида аввалдан режалаштирилган иқтисодий натижага эришишнинг босқичларини ифодалайди. Шу сабабли ҳам кичик корхонанинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқишда умумий стратегиянинг молиявий кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Муаллиф фикрича, стратегик йўналтирилган бюджетлаштириш мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизимини яратиш имконини беради ва у келгусида кичик корхона бюджетига ўз аксини топади. Шу сабабли тадқиқотда BSC тизими орқали бюджетлаштириш тизимига ўтиш жараёнини қуйидаги тамойиллар асосида амалга ошириш таклиф этилди:

1. Кичик корхона фойдаси, маҳсулот сотиш ва рентабеллигининг кўшимча ўсиш кўрсаткичлари BSC тизимидан молиявий бюджетга тўғри ўтказилиши керак.

2. Кичик корхона фаолиятида стратегик ташаббусларнинг бюджетини шакллантириш ва ушбу тадбирларнинг қийматини аниқлаш ҳамда харажатларини вақтлар бўйича тақсимлаш имконини ҳисоблаш муҳимдир.

3. Кичик корхоналарнинг ташкилий тузилмаси ва унда қўлланилаётган бюджетлаштириш тизимига кўра маҳсулот сотишдан келган тушум ҳамда янги маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланаётган харажатлар янги лойиҳа бюджетига ёки компаниянинг йиғма бюджетига акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.


4. Маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлган мижозларга хизмат кўрсатиш, сотишни рағбатлантириш, реклама ва бошқа харажатлар тижорий ва бошқарув харажатлари бюджетига киритилиши лозим ва бошқалар.

Молиявий менежментнинг такрор ишлаб чиқариш функциясини мақсади оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида моддий ва молиявий ресурслар ҳаракати мувозанатини таъминлашдан иборат. Муаллиф фикрича, кичик корхоналарнинг молиявий менежменти унинг умумий

⁸ Ольве Н.Г., Рой Ж., Ветер М. "Оценка эффективности деятельности компании. Практическое руководство по использованию сбалансированной системы показателей". - М.: Вильямс, 2004. –С.37.

белгилаган молиявий мақсадларини амалга оширишни бажарилишига йўналтирувчи тизимдир.

Қуйида кичик бизнес субъектлари фаолиятида бошқарув қарорларини қабул қилиш механизми келтирилган (2-расм).



Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

2-расм. Корхонада молиявий менежмент асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш механизми

Кичик бизнес субъектлари молиявий менежменти шаклланаётган тадбиркорликнинг молиявий муносабатларини, уларнинг фаолият кўрсатиш

доирасини юқори даражада ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган барча масалаларни муваффақиятли амалга ошириш, ижобий натижаларга эришиш ҳамда молиявий бошқарувни самарали ташкил этиш зарурлигини кўрсатади. Кичик бизнес субъектлари бошқарувчилари томонидан қарорлар қабул қилиш одатда, учта асосий тоифага, яъни амалдаги ишлаб чиқариш ёки тижорат шартларига тегишли қарорлар, тадбиркорликка хос қарорлар ва янги, халқаро даражага эришиш учун корхона стратегик вазифаларининг ташкилий шакли ва мақсадларини ўзгарувчан шароитларга мослаштиришни таъминлайдиган махсус қарорлардан иборат бўлиш мумкин.

Ҳозирги шароитда фаолият кўрсатаётган кўпчилик кичик корхоналар учун қуйидаги камчиликлар хосдир:

-вақтинчалик натижаларга кўпроқ интилиш ва шунинг учун истиқболли ёндашувнинг аҳамиятсизлиги;

-корхона менежерининг тараққиётни муҳим йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда асослаш жараёнидаги билими ва хоҳишини чекланганлиги туфайли пассив иштироки;

-бошқарувчиларнинг молиявий фаолиятни янги имкониятларига, корхона фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг муҳим соҳаларига менежмент тамойилларини жорий этишга тайёргарлик ҳолатининг паст даражада эканлиги.

Кичик бизнес субъектларини ривожланиши кўпинча, улар фаолиятида молиявий бошқарувнинг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади. Муаллиф фикрича, корхонада молиявий менежментни улар фаолиятига киритилган бошланғич инвестицияларни қайтариш, фойдани кўпайтириш ва корхона бозор қийматининг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида молиявий муносабатларни бошқаришнинг шакллари, усуллари ва тамойиллари мажмуаси сифатида эътироф қилиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқотда кичик бизнес субъектлари молиявий бошқарув тизимини такомиллаштириш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши муҳим деб ҳисобланди:

1. Кичик корхоналар фаолиятининг молиявий натижасини улар фаолиятига киритилган инвестицион маблағлар қайтимига боғлаш. Мулкдорлар томонидан кичик корхонага сарфланган инвестиция қайтимини тўғри ҳисоблаш учун пулнинг даврий концепциясини ҳисобга олиш керак ва у ҳисоб-китобларнинг юритилишида муҳим аҳамиятга эга. Пулнинг жорий (бугунги) қийматини қуйидаги формула билан аниқланади⁹:

$$PV = FV/(1 + i)^n , \quad (1)$$

бу ерда PV – жорий пул миқдори; FV - келгусидаги пул миқдори; i -фоиз ставкаси (даромадлилик даражаси); n — қўйилган маблағнинг муддати.

Шу сабабли ҳам инвестиция қилишдан аввал пул оқимларининг (кирувчи ва чиқувчи) жорий қийматини тўғри ҳисоблашни амалга ошириш механизминини қўллаш зарурдир.


⁹ Ковалев В.В. Финансовый менеджмент. Теория и практика. – М.: Проспект, 2009. - 241 с.

2. Пулнинг даврий концепцияси орқали соф пул оқимларини аниқлаб олиш ва уни жаҳон андозаларига мослаштиришни қўллаш.

3. Киритилган инвестициялар билан улардан келадиган пул қайтимларини солиштириш орқали якуний молиявий натижани аниқлаш.

4. Аниқланган якуний молиявий натижага кўра корхонанинг менежмент усулларини танлаш ва улар асосида бошқаришни ташкил этиш.

Кичик корхоналар молиявий фаолиятини бошқаришда молиявий-иқтисодий таҳлил муҳим аҳамиятга эга бўлиб, расмий ҳисобот маълумотлар асосида анъанавий бўлган рентабеллик, иш фаоллиги кўрсаткичлари, ликвидлилиқ даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар, тўлов қобилияти ва корхона сармояси тузилмаси каби кўрсаткичлар маълумотларини ифодалаб беради. Муаллиф фикрича, кичик корхона молиявий бошқарувини амалга оширишда қўлланиладиган молиявий-иқтисодий таҳлилни амалга оширишда уни ички ва ташқи таҳлил гуруҳларига ажратиш лозим. Бироқ, бу гуруҳлардаги маълумотлар бир-бирига ўзаро боғлиқдир. Тадқиқот натижасида кичик бизнес субъектлари молиявий бошқарувида қўлланиладиган молиявий-иқтисодий таҳлил усуллари ишлаб чиқилди (3-расм).



Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

3-расм. Кичик корхона бошқарувида қўлланиладиган молиявий-иқтисодий таҳлил усуллари

Муаллиф фикрича, кичик бизнес субъектларининг молиявий фаолиятини бошқариш ҳамда молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишда пул оқимларини тўғри режалаштириш ва бошқариш муҳим аҳамиятга эгадир. Кичик бизнес фаолиятига киритилган инвестицияларнинг самарадорлиги ундан келиб тушадиган пул оқимларининг соф жорий қийматига боғлиқ бўлади. Соф

жорий қиймат (NPV) олдиндан белгилаб кўйилган фоиз ставкаси асосида инвестициялаш объектининг бутун фаолияти даврида (ёки унинг ҳаётийлик даврида) келажакдаги олинган даромадларнинг келтирилган қийматини харажатларнинг жорий ва келгусидаги келтирилган қиймати ўртасидаги фарқдир.

Унинг моҳияти шундаки, ҳар бир вақт оралиғи учун йиллик пулнинг соф оқими қиймати лойиҳани амалга ошириш бошланган йилга келтирилади, бу эса даромадлар ва харажатларнинг дисконтланган оқимлари ўртасидаги фарқ сифатида соф жорий қийматни ёки соф дисконтланган даромадни ифодалайди. Соф жорий қиймат фақатгина ижобий ($NPV > 0$) бўлганида инвестицион қарор қабул қилинади ва келиб чиққан сумма бугунги кунда унинг муқобил вариантдан қанчага кўп даромад келтиришини билдиради. Муқобил даромад ставкаси сифатида ўртача тармоқ даромадлилиги даражаси олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунинг учун тадқиқотда Тошкент шаҳрида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган “Норика Азия” кичик корхонасига киритилган 50000,0 минг сўм миқдоридagi инвестиция маблағларини пулнинг даврий концепцияси бўйича 12 фоизли ставкасида 5 йиллик муддатга мўлжалланган прогнозлари ишлаб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

“Норика Азия” кичик корхонаси фаолиятига киритиладиган маблағларни пулнинг даврий қиймати асосидаги қайтими

Пул оқимлари ва уларнинг дисконтланган миқдори (минг сўмда)	Йиллар					
	2009	2010	2011	2012	2013	2014
	(50000)	$\frac{15000}{1,12}$	$\frac{15000}{1,12^2}$	$\frac{15000}{1,12^3}$	$\frac{15000}{1,12^4}$	$\frac{15000}{1,12^5}$
13392,86						
11957,91						
10676,7						
9532,77						
8511,4						
-50000						
$NPV=4071,64$						

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур кичик корхона фаолиятига киритиладиган 50000,0 минг сўм пул маблағларининг соф жорий қиймати прогнози ижобий ($54071,64 - 50000,0 = 4071,64$ минг сўм бўлгани боис, унинг менежменти томонидан

маблағларни киритиш бўйича бошқарув қарорини қабул қилиш ва қўллаш имкони мавжуд.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, кичик бизнес субъектлари фаолиятига маблағлар ва уларга қўшимча инвестициялар киритиш масаласи иқтисодий фаолиятнинг якуний молиявий натижасига боғлиқ бўлади. Унинг мазмуни шундан иборатки, кичик корхона ҳаётийлик даври, яъни фаолиятининг дастлабки давридан бошлаб, охириги пайтигача бўлган вақт мобайнидаги иқтисодий самарадорлик ва ҳар қандай бизнесни ташкил этишнинг мақсад ва мазмуни ҳисобланади.

Муаллиф фикрича, кичик корхоналар молиявий бошқарувида муҳим аҳамиятга эга бўлган якуний молиявий натижа корхоналар фаолиятига қилинган бошланғич инвестицион харажатларни қоплаш (қайтариб олиш) ва фойда (даромад) олишни бир вақтнинг ўзида таъминлашни ифодаладиган кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Корхоналар учун умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида амалга оширилаётган таҳлиллар оралиқ натижаларни фақатгина маълум муддатларга ифодалаб беради, холос. Шунинг учун ҳам тадқиқотда молиявий менежментда қўлланиладиган молиявий таҳлил маълумотларини якуний молиявий натижага эришишни таъминлаш мақсадида фойдаланиш ўринли деб топилди.

Кичик бизнес субъектлари молиявий бошқарувидаги энг асосий ҳолат сифатида маҳсулот сотишдан тушган тушум ва у асосида корхонанинг зарарсизлик нуқтасини ўрганишдир. Зарарсизликнинг таҳлилидан мақсад – бошқарув учун муҳим бўлган маҳсулотни сотишдан келиб тушган пул тушумлари барча харажатлар билан бир хил бўладиган фаолият даражасини (ёки ишлаб чиқариш ҳажмини) аниқлашдир. Шунинг учун ҳам кичик корхоналар молиявий таҳлилида зарарсизлик умумий қабул қилинган усул бўйича қуйидагича топилади:

Зарарсизлик нуқтаси = Доимий харажатлар / (баҳо-ўзгарувчан харажатлар).

Мазкур усул инвесторларнинг корхона фаолиятига киритган бошланғич капитал маблағларининг қайтарилишини ҳисобга олмайди. Муаллиф фикрича, зарарсизлик нуқтасини топиш учун қуйидагилар инобатга олиниши зарур: бошланғич киритилган капитал суммасининг қайтиши, рақобатбардошликни таъминловчи ўртача тармоқ даромадлилиги (минимал зарурий даромадлик), қўшимча даромадлилиги. Таклиф этилаётган зарарсизлик нуқтасини топиш учун эса инвестицияларнинг ҳаётийлик даври (n), инвестиция қилишнинг муқобил вариантлари (i), амалиётда эса ўртача тармоқ рентабеллиги (k) қўлланилади, пулнинг жорий қиймати (PV), пулнинг келгусидаги қиймати (FV), даромадлилигининг ички ставкаси (ARR) кўрсаткичлари инобатга олиниши зарур.

Юқоридаги келтирилган маълумотлар асосида, “Норика Азия” кичик корхонасининг зарарсизлик нуқтаси умумий қабул қилинган усул ёрдамида аниқланди. Бунда корхона бўйича ялпи фойда 80000,0 минг сўм, жами харажатлар 72230,0 минг сўм, шундан 32200,0 минг сўм (йиллик амортизация ажратмаси 5000,0 минг сўм билан) доимий харажатларни, ўзгарувчан харажатлар (маҳсулот таннари) 40030,0 минг сўмни ташкил этади. Йиллик

ишлаб чиқариш ҳажми (корхона қуввати) 1000 дона бирлик маҳсулотни ташкил этади. Зарарсизлик нуқтаси $32200/(80-40,03)=805,6$ бирлик маҳсулотни ташкил этади. Демак, йиллик 806 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариб сотилса, бу кўрсаткич корхонанинг зарарсизлик нуқтаси ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг жорий фаолиятида фойда ҳам, зарар ҳам бўлмайди. Аммо бу ҳисоблаш усули корхона фаолиятига сарфланган бошланғич инвестицион маблағларнинг қайтарилишини эътиборга олмайди.

Энди корхона фаолияти зарарсизлик нуқтасини муаллиф томонидан таклиф этилаётган усул бўйича аниқланади. Таклиф этилаётган зарарсизлик нуқтасини топиш қуйидаги кўринишга эга:

$$СПО=(1-Сс)*(B-ЎХ*М)-ДХ)+А, \quad (2)$$

бу ерда СПО- соф пул оқими; Сс- фойда солиғи ставкаси; В- баҳо, ЎХ- ўзгарувчан харажатлар; М- маҳсулот миқдори; ДХ- доимий харажатлар; А- амортизация ажратмаси.

Зарарсизлик нуқтасини топишнинг мазкур усули кичик корхона фаолиятига киритилган инвестицион маблағларни ҳисобга олган ҳолда ва пулнинг даврий концепцияси ёрдамида топилади. Таҳлил этилаётган кичик корхонанинг йиллик соф пул оқими (прогноз бўйича) 13870,5 минг сўмни ташкил этишини ҳамда фойда солиғининг 10 фоиз эканлигини ҳисобга олган ҳолда, маълумотлар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$СПО=0,9*(80-40,03*М-32200)+5000=13870,5 \text{ минг сўм.}$$

Бу тенгликдан $М=948$ га тенг бўлади.

Ҳисоб-китоб натижасида топилган 948 дона маҳсулот ҳажми корхонанинг инвестицион харажатларини ҳам қоплашини ҳисобга олган ҳолдаги зарарсизлик нуқтаси бўлиб, бу миқдор анъанавий усул ёрдамида топилган зарарсизлик нуқтасидан каттадир. Агар аввалги усулда зарарсизлик нуқтаси 806 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан изоҳланса-да, корхона фаолиятига киритилган инвестицион маблағларни қайтарилишини ва ўртача тармоқ даромадлигини ҳисобга олмайди. Демак, менежерлар томонидан зарарсизлик нуқтасини топишда умумий қабул қилинган ва таклиф этилаётган усуллар ўртасида йўл қўйилиши мавжуд бўлган фарқ $(948-806)=142$ бирлик маҳсулотга тенг. Агар йиллик сотиш баҳоси билан ҳисобланса, ҳар йили $(80*142)=11360,0$ минг сўмга тенг хатоликка йўл қўйилади. Бундан кўринадики, биргина йўл қўйилаётган хатолик молиявий ҳолатнинг тўғри баҳоланмаслигига, бинобарин сарфланган инвестиция маблағларини ўртача тармоқ даромадлиги даражасида қайтмаслигига олиб келадиган миқдорга хато қилинишига олиб келади. Муаллиф томонидан таклиф этилаётган усул орқали зарарсизлик нуқтасини топиш кичик корхоналар бошқарувида рақобатбардошликни таъминлаш имконини беради.

Юқорида келтирилган усул кичик корхонанинг рақобатбардошлигини таъминловчи йиллик пул оқимини аниқлашга имкон яратади ҳамда унга таъсир этувчи омилларнинг (маҳсулот баҳоси, ўзгарувчан ва доимий харажатлар ҳажми, солиқ ставкаси) ўзгаришини ҳисобга олади.

Кичик корхона эгалари (мулкдорлари) учун корхона фойдасини ошириш ҳамда унинг барқарор ҳолатини таъминлаш учун таҳлил маълумотлари зарур

бўлади. Кредиторлар ва инвесторлар учун эса корхона фаолиятига киритилган маблағларни қайтариб олиш ва унинг қийматини ўртача тармоқ даромадлигидан пасайиб кетмаслиги учун зарур бўлади. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичик корхона бошқаруви учун қабул қилинаётган қарорлар таҳлилнинг сифатига боғлиқдир.

Тадқиқотда муаллиф томонидан кичик бизнес субъектлари молиявий бошқарувида зарур бўлган молиявий таҳлилни амалга оширилиш кетмакетлиги куйидагича бўлиши тавсия этилди:

1. Даромадлилик ва рентабеллик кўрсаткичлари.
2. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари.
3. Кредитни қайтара олиш қобилияти.
4. Капитал тузилиши кўрсаткичлари.

Мазкур тавсияни шундай изоҳлаш мумкин. Дастлаб, кичик корхона фаолиятида иқтисодий самарага эришиш учун аввало киритилган бошланғич капитални қайтариб олиш ва фойдалилик даражасини ўрганиш зарурдир. Тадқиқотда таъкидланишича, молиявий таҳлил кичик корхона фаолиятига киритилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг умумий хусусиятига эга бўлган, яъни уни аниқлашда қўлланиладиган молиявий натижани вақт бўйича битта (базавий) муддатга келтиришга тўғри келадиган турли кўрсаткичлар тизими ёрдамида амалга оширилиши керак. Маълум бир суммага турлича муносабат нафақат инфляция билан, балки ҳар қандай тижорат фаолиятига киритилган, жумладан, банкдаги депозит рақамига қўйилган пул маблағидан маълум вақт (ой, йил) ўтгандан сўнг олинган даромад (фоиз) ҳисобига каттароқ суммага айланиши мумкинлиги билан ҳам изоҳланади.

Муаллиф фикрича, кичик корхона бошқаруви таклиф этилган усул ёрдамида аниқланадиган молиявий кўрсаткичлар даражаси мазкур корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминловчи йиллик пул оқимини энг камида $NPV=0$ ва ундан катта миқдорда бўлишини таъминлаши керак.

Кичик бизнес субъектларининг фаолиятини бошқариш ва молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишда пул оқимларини тўғри режалаштириш ва бошқариш муҳим аҳамиятга эгадир. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот кичик корхона бошқаруви учун молиявий қарорларни қабул қилишда асосий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу маълумотлардан корхона раҳбарияти кичик корхонанинг ликвидлигини ва даромадларини ҳисоблашда, корхона фаолияти учун зарур бўлган лойиҳани молиялаштиришда молиявий ҳолатини таҳлили учун фойдаланилади. Шунингдек, корхона менежменти учун корхонанинг инвестицион ва молиявий сиёсатини режалаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида кичик корхоналар фаолиятига маблағ киритишда унинг эгалари учун пул маблағлари қайтими эмас, балки уларнинг кўпайтиришини амалга оширадиган менежмент қобилияти қизиқтиради. Шу сабабли ҳам корхона менежерлари соф пул оқими билан биргаликда эркин пул оқимларига эътиборини қаратади¹⁰. Муаллиф фикрича, кичик корхоналар

¹⁰ Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент. -М.: ЭСКО, 2010.-С. 124

молиявий бошқарувида муҳим ўринга эга бўлган эркин пул оқимларини мамлакатимиз амалиётида қўллаш зарур. Чунки кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ўз молиялаштириш имкониятлари чекланган. Шу сабабли ҳам улар фаолиятидаги молиявий қийинчилик асосан четдан капитал жалб қилишда сезилади. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларида (юқори) фоиз тўловини тўлайдиган етарли даражадаги маблағнинг камлиги ёки мавжуд эмаслиги (хусусан янги фаолиятга бошлаган бўлса) ҳолатлари кўзга ташланмоқда.

Корхонанинг эркин пул оқими (*free cash flow to the firm — FCFF*) операцион фаолиятнинг барча солиқлардан кейинги ҳамда асосий ва айланма капиталга киритилган инвестиция суммаларини чиқариб ташлангандан кейинги инвесторларга тегишли бўлган пул оқимидир. Бу пул оқими корхонанинг ишлаб чиқариш ёки операцион активлари ёрдамида шаклланганлиги учун ҳам уни “активлардан келган пул оқими” деб ҳам юритилади. Шу сабабли ҳам унинг миқдори тўлов суммасига тенг бўлиши керак. Қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда пул оқимлари тенглигини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

$$FCFF = FCFE + FCFD, \quad (3)$$

бу ерда *FCFD* — кредиторларга бўлган пул оқими; *FCFE* — мулкдорларга бўлган пул оқими.

Кўриб чиқилган активларнинг (*FCFF*), кредиторларнинг (*FCFD*) ва мулкдорларнинг (*FCFE*) эркин пул оқимлари молиявий менежментнинг вазифаларини бажаришда муҳим рол ўйнайди. Мазкур кўрсаткич мусбат ва манфий бўлиши мумкин. Мусбат кўрсаткич кичик корхона ўз активларидан четдан маблағ жалб этмасдан самарали фойдаланишидан далолат берса, манфий кўрсаткич бунинг акси бўлади. Эркин пул оқими инвестицион таҳлил ва корхонанинг қийматини аниқлашда асосий объект бўлиб ҳисобланади. Эркин пул оқимини ҳисоблаш услубиёти орқали кичик корхона бошқаруви корхонанинг бозор қийматини ошириш имкониятларини кўрсатиб беради ва қуйидаги дастаклар орқали ифодаланади:

-операцион фойданинг кўпайишига (*EBIT*) тушумни ошириш ва харажатларни пасайтириш йўли орқали эришиш;

-солиққа тортишни оптималлаштириш;

-асосий активларни улардан самарали фойдаланиш эвазига минималлаштириш;


-капитал қўйилмалардан оқилона фойдаланиш ва бошқалар.

FCFE кўрсаткичининг аҳамияти корхонанинг мулкдорлари учун даромадларни тақсимлашнинг самарадорлигини баҳолашда, шунингдек, мулкдорлар томонидан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳаларни таҳлилида қўлланилиши мумкин.

Кичик корхонанинг муваффақиятли фаолияти нафақат менежментнинг жорий ишидаги замонавий ва тўғри қарорлар қабул қилишга, балки ҳозирги шароитда молиявий тизимдаги ўзгаришларни ҳисобга олган келажак стратегияга ҳам боғлиқдир. Корхонанинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш унинг тадбиркорлик фаолиятини асосий йўналишларини аниқлашдан бошланади. Бундан келиб чиққан ҳолда уни амалга оширилиш шакллари

белгиланади ва якуний танлов бажарилади. Муаллиф фикрича, кичик корхоналар молиявий бошқарувида стратегик молиявий режалаштириш алоҳида назарий ва амалий аҳамият касб этади. Рақобат шароитида фойда олиш ва ўз молиявий ресурсларини кўпайтириш ҳар қандай корхонанинг асосий мақсади ҳисобланадики, бу нарса молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни, ташкил этиш манбаларини аниқлашни, уларни кўпайтиришнинг ички имкониятларини қидириб топишга қаратилган молиявий стратегияни ишлаб чиқишни талаб этади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, ўтказилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятида ривожлантириш стратегик йўналишларини ҳам ҳисобга олган молиявий бошқарув стратегиясини шакллантириш босқичлари ишлаб чиқилди (4-расм).



Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

4-расм. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий бошқарув стратегиясини шакллантириш босқичлари

Кичик корхона молиявий стратегияси барқарор фойда олиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражасининг ўсишини, ўз ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини сақлашни таъминлашга қаратилган молиявий ресурсларни бошқаришнинг маълум муддатга тузилган дастуридир. Шунингдек, корхона молиявий стратегияси уни бошқаришнинг молиявий ва стратегик жиҳатларининг бирлашуви бўлиб, молиявий ривожланишнинг узоқ муддатдаги бош йўналишини ифодалайди.

Тадқиқотда кичик корхоналар молиявий бошқарув стратегиясини такомиллаштириш юзасидан бажариладиган ишлар таклиф этилган:

1. Кичик бизнес субъектлари менежментда мулк эгалари томонидан молиявий фаолиятини кенгайтириш учун пул маблағлари киритишдан аввал зарарсизлик нуқтасини ўрганиш ва уни маълумотлар ёрдамида асослаш.

2. Зарарсизлик нуқтаси аниқлангандан сўнг инвестицион таъсирчанликнинг асосларига тўхталиш ҳамда улар ёрдамида зарарсизлик нуқтасининг ҳисоби учун янгича услубни қўллаш.

3. Мазкур услуб асосида пул оқимларини аниқлаш ва унга янгича ёндашиш, шунингдек, пул оқимлари ҳаракатининг янги ҳолатини ўрганиш.

4. Пул оқимларини топишнинг янги усулини ўрганиш асосида кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий натижаларни ҳисоблаш.

5. Молиявий натижаларга асосланиб, кичик бизнес субъектининг молиявий ҳолатига умумий баҳо бериш.

ХУЛОСА

1. Кичик бизнес субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши кўп жиҳатдан уларнинг менежмент тизими, хусусан, молиявий бошқарувига боғлиқдир. Молиявий бошқарув механизмининг воситалари ва усуллари ёрдамида унинг мақсадлари ҳамда ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, кичик корхона молиявий ресурсларининг шакллантирилиши, тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланилиши амалга оширилади.

2. Диссертация ишида кичик бизнес субъектлари молиявий бошқариш тизимини такомиллаштириш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши тавсия қилинди. Булар корхона фаолиятининг молиявий натижасини унинг фаолиятига киритилган инвестицион маблағлар қайтимига боғлаш, пулнинг даврий концепцияси орқали соф пул оқимларини аниқлаб олиш ва уни жаҳон андозаларига мослаштиришни қўллаш, киритилган инвестициялар билан улардан келадиган пул қайтимларини солиштириш орқали якуний молиявий натижани аниқлаш, аниқланган якуний молиявий натижага кўра корхонанинг менежмент усуллари танлаш ва улар асосида бошқаришни ташкил этишдир.

3. Корхонанинг молиявий менежерлари корхона ресурсларини бошқариш бўйича барча муҳим қарорларни икки нуқтаи назардан, яъни мазкур қарорларнинг корхона молиявий ҳолатига қандай таъсир кўрсатишини таҳлил этиш ва корхона таъсисчиларининг бундай қарорларга бўлган муносабати бўйича қараб чиқиши лозим.

4. Кичик корхоналар бошқарувида мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар (BSC) тизимини қўллаш тавсия этилди. BSC тизимида ўтган операцияларнинг параметрлари билан бирга келгусидаги молиявий фаолиятнинг янги баҳолаш таснифи акс эттирилади.

5. Кичик бизнес субъектлари молиявий бошқаруви кўп жиҳатдан унинг молиявий-иқтисодий таҳлиliga боғлиқдир. Кичик корхоналар учун умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида амалга оширилаётган таҳлиллар оралик натижаларни фақатгина маълум муддатларга ифодалаб беради, холос. Унинг натижалари маълум даврларда якуний молиявий натижаларга эришиш учун хизмат қилади. Якуний молиявий натижа корхоналар фаолиятига қилинган бошланғич инвестицион харажатларни қоплаш (қайтариб олиш) ва фойда (даромад) олишни бир вақтнинг ўзида таъминлашни ифодалайдиган кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

6. Диссертацияда кичик корхоналар бошқарувида қўлланиладиган молиявий-иқтисодий таҳлил маълумотларини ички ва ташқи таҳлил гуруҳларга ажратилиши асослаб берилди. Бунда асосий эътибор корхонанинг молиявий аҳволини ҳар томонлама ўрганиб, унинг ҳолатига аниқ ва ҳолисона баҳо бериш, маблағлар манбалари ва жойланишини текшириш, уларни тўғри йўналтирилганлигини аниқлаш, тўлов мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилганлиги, дебитор ва кредитор қарзлар таркибини ўрганиш, корхонанинг ўз маблағлари билан қарз маблағлари ўртасида нисбатни ва айланма маблағларнинг манба билан таъминланганлигини текшириш, молиявий интизомга қанчалик амал қилинишини аниқлаш ва тўлов қобилиятига баҳо бериш, корхона мол мулки ва унинг тез пулга айлана олиш даражасини ўрганиш, айланма маблағлардан фойдаланиш даражасига баҳо бериш ва корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш бўйича таклифлар беришга қаратилиши таклиф этилди.

7. Кичик корхонанинг фаолиятини самарали бошқариш кўп жиҳатдан пул оқимларининг тўғри аниқланилишига боғлиқдир. Таҳлил қилинаётган “Норика Азия” кичик корхонаси мисолида унинг фаолиятига киритилаётган маблағлардан келадиган пул оқимлари пулнинг даврий концепцияси асосида аниқланган ҳамда у асосида прогноз маълумотлари келтирилган.

8. Диссертацияда кичик корхоналар бошқарувида эркин пул оқимларининг аҳамияти очиб берилди ҳамда ундан фойдаланиш ва амалиётда қўллаш усуллари таклиф этилди.

9. Кичик бизнес корхоналарининг самарали молиявий бошқаруви маҳсулот сотишдан келадиган тушум ва унинг асосида топиладиган зарарсизлик нуқтасини аниқлашга боғлиқдир. Тадқиқотда кичик корхоналарда зарарсизлик нуқтасини аниқлашнинг янги усули таклиф этилиб, “Норика Азия” кичик корхонаси маълумотлари асосида исботлаб берилди.

10. Кичик корхоналар фаолиятида молиявий тартибга солиш жараёнини ўрганиш, корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқишда қарорлар қабул қилишнинг маълумотларни йиғиш, ташқи чекловлар ва имкониятлар тизими таъсирини ҳисобга олиш, корхона ички текширувини ўтказиш ҳамда корхонага ташқи ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг таъсирини баҳолаш орқали кичик

бизнес субъектларининг стратегиясини шакллантириш босқичлари таклиф қилинди.

11. Кичик бизнес фаолияти самарадорлигини ошириш уларнинг фаолиятини бошқариш йўллари, яъни менежментини мувофиқлаштиришни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида молиявий менежментга боғлиқ бўлиб, унинг илмий асосланган тавсияларини ишлаб чиқишни, ривожлантириш имкониятларини аниқлаш ҳамда такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади. Хусусан:

-кичик бизнес субъектлари йирик корхоналарга ўтиш (ёки айланиш) нинг бошланғич нуқтаси бўлиши керак;

-кичик бизнесни ривожлантириш йўли билан йирик корхоналарга айланиши жараёнининг ҳисобга олиниши ва унинг статистикасини олиб бориш керак;

-мамлакат миқёсида баҳолар даражасининг кескин ортиб кетишига йўл қўймаслик уларнинг барқарор ривожланишининг омили бўлади;

-кичик бизнес фаолиятини бошқариш усулларига ўзгартиришлар киритилиши лозим, хусусан, молиявий менежментни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тавсияларни шакллантириш, ривожлантириш имкониятларини аниқлаш ҳамда такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш тақозо этилади.

12. Иқтисодий таҳлиллар натижасида аниқланган молиявий кўрсаткичлар кичик корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида тўлиқ ва аниқ хулоса қилиш имконини бермайди. Шу сабабли ҳам кичик корхоналар истиқболини ривожланишига хизмат қиладиган таҳлиллар асосан пулнинг даврий концепциясини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Темиров А., Қаюмов Р. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига янгича ёндашувлар// Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2009 - № 6. – Б. 31-33.
2. Темиров А.А. Инвестициялар ва кичик бизнес// “Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами.- Т.: ТДИУ, 2009. –Б. 92-93.
3. Темиров А.А. Проблемы развития малого бизнеса в условиях глобализации// “Двадцать вторые международные плехановские чтения”. Тезисы докладов. М.: РЭА им. Г.В.Плеханова, 2009. –С. 498-499.
4. Темиров А.А. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш омиллари// “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия бозорини такомиллаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. -Т.: ТДИУ, 2009. –Б. 92-94.

5. Темиров А., Қаюмов Р. Кичик бизнес субъектлари молиявий менежментини такомиллаштириш йўллари// Биржа Эксперт.- Тошкент, 2010 - № 10.- Б.12-16.
6. Темиров А.А. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий натижаларни аниқлашга янгича қарашлар// “Приоритетные направления дальнейшего реформирования и повышения финансовой устойчивости банковской системы” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари.- Т.: ТМИ, 2010. –Б.144-146.
7. Темиров А.А. Кичик бизнесни ривожлантириш давр талаби// “Мустақил Ўзбекистон ёшларининг илм-фан тараққиётидаги фаолияти: долзарб масалалар, устувор йўналишлар ва истиқболлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. –Т.: ТДИУ, 2010.- Б. 188-190.
8. Темиров А.А. Кичик бизнес субъектлари молиявий фаолиятини таҳлил қилишда эркин пул оқимларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш// “Мамлакатимизни янгилаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда солиқ тизимининг ролини ошириш масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. -Т.: ТДИУ, 2011.- Б. 77-80.
9. Темиров А.А. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими ва ундан фойдаланиш асослари// Иқтисодиёт ва таълим. –Тошкент, 2011- № 1. - Б. 111-115.
10. Темиров А.А. Кичик бизнес субъектларини кредитлашни кенгайтиришда тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш истиқболлари// “Халқаро талаблар асосида тижорат банклари фаолиятини рейтинг баҳолаш”. Республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами. -Т.: ТДИУ, 2011.- Б.153-155.
11. Темиров А.А. Кичик корхоналар фаолиятида молиявий менежментни такомиллаштириш йўллари// “Илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш муаммолари ёш олимлар нигоҳида” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. -Т.: Ўз Р ФА ИЎМ, 2011. –Б.111-112.
12. Темиров А.А. Кичик корхоналар фаолиятида молиявий менежментни ташкил қилиш хусусиятлари// “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик социал-иқтисодий юксалиш омили” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Ф.: ФарДУ, 2011. –Б. 53-56.
13. Темиров А.А. Кичик корхоналар фаолиятида молиявий стратегия ва уни ишлаб чиқиш йўллари// “Иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси: муаммолар ва инновацион ривожланишга ўтиш йўллари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДИУ, 2011.-Б. 289-291.
14. Темиров А.А. Кичик корхоналар фаолиятини бошқаришда мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш// “Мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТМИ, 2011.-Б. 313-315.

15. Темиров А., Қаюмов Р. Кичик бизнес субъектларида молиявий менежментни такомиллаштиришга оид мулоҳазалар// Биржа Эксперт. -Тошкент, 2011-№ 3.- Б.41-43.
16. Темиров А.А. Кичик бизнес субъектлари молиявий таҳлилида математик моделлаштиришдан фойдаланиш // “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари”. Илмий-оммабоп мақолалар тўплами. -Т.: ТДИУ, 2011.-Б.136-142.
17. Темиров А.А. Кичик бизнес субъектларининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни// “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти: устувор йўналишлар, муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги илмий мақолалар тўплами. 1-қисм. -Т.: ТДИУ, 2011. –Б. 414-418.
18. Темиров А.А. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини яратиш // “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувваталш тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Т.: ТДИУ, 2011.-Б. 23-27.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Темиров Абдулазиз Алимжановичнинг 08.00.13-“Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича **“Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий менежментни такомиллаштириш”** мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: кичик бизнес, молиявий менежмент, молиявий таҳлил, активлар айланувчанлиги, мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими, пул оқимлари, бошқарув тизими, зарарсизлик нуқтаси, пулнинг жорий ва келгусидаги қиймати, молиявий стратегия.

Тадқиқот объекти: республикада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари, шу жумладан кичик корхоналар, микрофирмаларнинг молиявий фаолиятини бошқариш амалиёти ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: иқтисодий-модернизациялаш шароитида кичик бизнес субъектлари менежмент тизимида молиявий бошқарувни такомиллаштиришга қаратилган назарий, услубий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот усуллари: статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, тизимли ёндашув, таққослаш, иқтисодий-математик моделлар, қиёсий таҳлил усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: кичик бизнес субъектларининг миллий иқтисодиётдаги ўрни баҳоланган ва уларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан умумлаштирилган, кичик бизнес субъектларини бошқаришда мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш йўллари ва уларнинг тамойиллари ишлаб чиқилган, кичик бизнес субъектлари менежментида пулнинг даврий концепциясидан фойдаланиш йўллари илмий жиҳатдан асосланган, кичик бизнес субъектларини бошқаришда эркин пул оқими усулидан фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган, кичик бизнес субъектлари менежмент тизимида молиявий бошқарув стратегиясини шакллантириш бошқичлари ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: олинган натижалар республикамиз кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиявий жиҳатдан бошқаришга қаратилган чора-тадбирлар, шунингдек, бошқаришнинг молиявий менежмент усуллари асосида қарорлар қабул қилиш, амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари ва хулосалари “Аравана” ва “Норика Азия” кичик корхоналари амалиётига ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқув жараёнида “Менежмент” ва “Молиявий менежмент” курсларини ўқитишда татбиқ этилган.

Қўлланиш соҳаси: республика кичик бизнес субъектлари, шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар молиявий фаолиятини бошқариш.

РЕЗЮМЕ

диссертации Темирова Абдулазиза Алимжановича на тему: **«Совершенствование финансового менеджмента в деятельности субъектов малого бизнеса в Республике Узбекистан»** на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – «Менеджмент и маркетинг»

Ключевые слова: малый бизнес, финансовый менеджмент, финансовый анализ, оборачиваемость активов, сбалансированная система показателей, денежный поток, система управления, точка безубыточности, текущая и будущая стоимость денег, финансовая стратегия.

Объект исследования: является деятельность субъектов малого бизнеса, осуществляющих свою деятельность в республике, в том числе практика управления финансовой деятельностью малых предприятий, микрофирм.

Цель работы: разработка научных, методических и практических предложений и рекомендаций, направленных на совершенствование финансового управления в системе менеджмента субъектов малого бизнеса в условиях модернизации экономики.

Методы исследования: статистическая группировка, экспертная оценка, системный подход, сопоставление, экономико-математические модели, методы сравнительного анализа.

Полученные результаты и их новизна: дана оценка места малого бизнеса в национальной экономике и обобщены теоретические аспекты специфических особенностей управления ими, определены пути применения сбалансированной системы показателей в управлении финансами субъектов малого бизнеса и разработаны их принципы, обоснованы теоретические аспекты путей применения временной концепции денег в менеджменте субъектов малого бизнеса, разработаны научные предложения по использованию метода свободных денежных потоков в управлении субъектами малого бизнеса, разработаны этапы формирования стратегии финансового управления в системе менеджмента субъектов малого бизнеса.

Практическая значимость: полученные в ходе исследования результаты могут быть использованы в управлении финансами субъектов малого бизнеса, а также при принятии решений на основе методов финансового менеджмента.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты и выводы исследования использованы в практической деятельности малых предприятий «Аравана» и «Норика Азия», а также в процессе преподавания дисциплин «Менеджмент» и «Финансовый менеджмент».

Область применения: В субъектах малого бизнеса, в том числе в финансовом управлении малых предприятий и микрофирм республики.

RESUME

Thesis of Temirov Abdulaziz Alimjanovich on the scientific degree competition of the candidate of sciences in economics on speciality 08.00.13.- “Management and marketing”, on the subject: **“Developing financial management in the activities of small business subjects in the Republic of Uzbekistan”**.

Key words: small business, financial management, financial analysis, capital, asset conversion cycle, balanced score, cash flows, control system, break-even point, current and future value of money, efficiency, financial strategy.

Subjects of research: small business subjects operating in the republic and particularly, the practical management of the financial activities of small enterprises and micro firms.

Purpose of work: Working out scientific suggestions and practical recommendations aimed at developing financial management system of small business subjects in condition of modernization of the economy.

Methods of research: statistic classification, expert estimation, systematical approach, comparison, methods of comparative analysis.

The results obtained and their novelty: identified the role of small business subjects in national economy and theoretical aspects of their management; the usage of the balanced score system in financial management of small business subjects and the principles of those balanced scores have been worked out; the usage of time value of money concept in management system of small business subjects has been proved; worked out scientific suggestions on the usage of free cash flows, offered stages of forming financial management strategy in management system of small business subjects.

Practical value: the obtained results can be used to take measures aimed at the financial management of the activities of small business subjects and also, to make decisions on the basis of financial management methods, and to work out practical measures.

Degree of embed and economic effectivity: obtained results and worked out conclusions and suggestion have been introduced into the practice of such small enterprises as “Aravana” and “Norika Asia”, and have been widely used in lectures on “Management” and “Financial management” at Tashkent State University of Economics.

Field of application: Small business subjects in Uzbekistan, including small enterprises and micro firms.